

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02.30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**АЗИЗОВА МАЛИКА АСКАРОВНА**

**ВИРУСГА ҚАРШИ ПОЛИМЕР ТАРКИБЛИ «ЦЕЛАГРИП»  
ПРЕПАРАТИНИНГ СИНТЕЗИ, ХОССАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.05-Целлюлоза ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш кимёси ва технологияси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

|  |    |
|--|----|
| <b>Азизова Малика Аскарровна</b><br>Вирусга қарши полимер таркибли “ЦелАгрип” препаратининг<br>синтези, хоссалари ва технологияси.....             | 3  |
| <b>Азизова Малика Аскарровна</b><br>Синтез, свойства и технология противовирусного препарата<br>“ЦелАгрип” на полимерной основе .....              | 21 |
| <b>Azizova Malika Askarovna</b><br>Synthesis, properties and production technology of polymer basis anti-<br>viral preparation of "CelAgrip" ..... | 39 |
| <b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b><br>Список опубликованных работ<br>List of published.....   | 42 |

**Фан доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/К121 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Полимерлар кимёси ва физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (polchemphys.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сарымсаков Абдушкур Абдухалилович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Кудышкин Валентин Олегович**  
кимё фанлари доктори профессор

**Акмалова Гузал Юсуфовна**  
кимё фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган Давлат Университети**

Диссертация ҳимояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги DSc.02./30.12.2019.К/FM/Т.36.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ - даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7<sup>б</sup>. Тел: (+99871) 241-85-94; факс: (+99871) 241-26-61, e-mail:polymer@academy.uz).

Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7<sup>б</sup>. Тел: (+99871) 241-85-94).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги №\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.Ш. Рашидова**

Илмий даражалар берувчи  
бир марталик илмий кенгаш раиси,  
к.ф.д., профессор, академик

**М.М. Усманова**

Илмий даражалар берувчи  
бир марталик илмий кенгаш котиби,  
к.ф.н., катта илмий ходим

**Н.Р. Вохидова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси  
ўринбосари, к.ф.д., катта илмий ходим

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда вирусли касалликларга қарши қўлланилувчи биологик фаол, сувда яхши эрувчан полимер шаклли дори воситаларига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Ушбу йўналишда табиий полимерлар, жумладан целлюлоза ҳосилалари ва полифеноллар асосида вирусга қарши, сувда эрувчан янги авлод дори воситаларини синтез қилиш, ишлаб чиқариш усуллари яратиш ва амалиётга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жаҳонда табиий полимерлар (целлюлоза, хитин, хитозан ва уларнинг ҳосилалари) ва биологик фаол моддаларнинг молекуляр ва физик-кимёвий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, реакция шароитига таъсир этувчи омилларни бошқариш орқали вирусга қарши препаратлар синтез қилишга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада целлюлоза ҳосилалари ва полифеноллар асосида сувда эрувчан, биологик фаол полимер шаклли янги дори воситаларини синтез қилиш, уларнинг структуравий, физик-кимёвий ва тиббий-биологик хоссаларини тадқиқ этиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Республикамызда маҳаллий хом ашёлар асосида янги дори воситалар яратишни ривожлантиришда илмий изланишларни юқори даражада ташкил этиш ва маҳаллий фармацевтика саноатини ривожлантириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, полимер таркибли янги дори шакллари яратиш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси<sup>1</sup>, 2030 – йилгача бўлган илм-фанни ривожлантириш концепциясида<sup>2</sup> «...фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш...» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, карбоксиметилцеллюлоза ва госсипол асосида сувда эрувчан полимер ҳосилаларини олиш, ушбу жараённинг қонуниятларини ва синтез жараёнини бошқариш йўллари белгилаш, шунингдек, улар асосида самарали интерферон индукторлик хоссасига эга бўлган дори препарат шаклини яратишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сонли “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон “Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Фармони.

вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожланишининг VI «Тиббиёт, фармакология» ҳамда VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёнинг кўпгина мамлакатларида вирусга, шамоллашга қарши курашиш хусусиятларига, гепатохимоялаш таъсирига эга бўлган янги самарали препаратларнинг полимер шакллари яратишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур йўналишда Gen Lin Zhang, Metodiev Z.A., Boruvkova K., Zeenat M.A., Lisa J. Mauер ва бир қатор илмий мактаблар катта ҳисса қўшишган; Жумладан, полимер таркибли дори воситаларини шаклланиш қонуниятларини ўрганиш соҳасида МДХ давлатларидан М.И. Штильман А.В. Подкорытова, С.В. Немцев, В.Н. Кряжев, Г.А. Петропавловский, М.В. Прокофьева, Л.С. Гальбрайт, В.Г. Нестеренко, А.П. А.А. Долгова., И.С. Круппа салмоқли ҳисса қўшганлар.

Индукторларни қўллаш билан боғлиқ кам сонли кузатувларни таҳлил қилиш натижалари уларнинг профилактик ва даволаш самарадорлиги, интерферонлик фаоллиги ўхшаш бўлмасада, бир-бирига яқин эканлигини кўрсатди. Назарий жиҳатдан индукторларни қўллаш тайёр интерферон препаратларини жорий этишдан афзал бўлиши ёки ундан қолишмаслиги керак. Бу биологик парчаланиш хусусиятига эга, сувда эрувчан полимер таркибида табиий интерферон индукторларини шакллантириш орқали вирусга қарши хусусиятли, токсик бўлмаган вирусли грипп ва ўткир респираторли вирусли касалликларни даволашга йўналтирилган, ноҳўя таъсири бўлмаган янги авлод дори воситаларини яратиш истиқболларини юзага келтиради

Бугунги кунда вируслар туфайли юзага келадиган касалликларни олдини олиш ва даволаш учун мўлжалланган дори воситаларининг полимер шакллари синтез қилишда вирусга қарши таъсирга эга бўлган, табиий ва рекомбинант интерферонлар қўлланилади. Бундай модификацияланган полимерларнинг хусусиятларини ўрганиш натижасида уларни амалда самарали қўллаш учун шароитлар яратилган. Бирок, маълумки, бундай дорилар мураккаб технологиялар билан олинадилар ва қиммат ҳисобланадилар. Ҳозирга қадар таклиф қилинган кўплаб интерферон индукторларидан ўсимлик асосида олинган препаратлар клиник шароитларда қўллаш учун самарали ҳисобланадилар. Бу борада шубҳасиз, ўсимлик асосидаги гетерозанжирли полимер полифеноллар, биринчи навбатда, госсипол ҳосилалари катта қизиқиш уйғотадилар.

Республикада мазкур йўналишларнинг ривожланишига академиклар С.Ш. Рашидова, А.С. Тўраев, профессорлар Ш.Н.Нажмуддинов., А.А. Саримсаков, Г. Рахмонбердиев, Х.И. Акбаров, фан докторлари А.А. Атаханов, Х.Э. Юнусов ва бошқалар ўз илмий изланишлари билан тиббий полимерлар синтези, биопарчаланувчан, биоэрувчан полимер таркибли дори воситаларини яратиш ва ушбу дори воситаларнинг тиббиёт амалиётида қўллашга ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Ушбу изланишларга қадар адабиётларда организмда вирусларнинг кўпайиши ва ривожланишига бевосита таъсир кўрсатадиган, биологик фаол моддаларни ўз ичига олган, токсик бўлмаган, полимер таркибли доривор воситаларини синтез қилиш ва ишлаб чиқариш технологиясини яратиш кам ўрганилган. Мазкур йўналишда фундаментал ва амалий изланишларни амалга ошириш тозаланган натрий карбоксиметилцеллюлоза (Na-КМЦ) ва интерферон индуцирловчи, вирусга қарши хусусиятга эга полимер таркибли биологик фаол модда асосида интерферон индукторлик хоссага эга, таъсир муддати узайтирилган, терапевтик дозанинг доимийлиги таъминланган ва ножўя таъсирлари камайтирилган янги авлод дори воситаларини яратиш истиқболларини юзага келтиради.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот иши режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Полимерлар кимёси ва физикаси институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ИДФ-2 «Вирусли грипни олдини олиш ва даволаш учун «ЦелАгрип» препарати субстанцияси ва дори шаклини олиш технологиясини ишлаб чиқиш, меъёрий техник хужжатларни шакллантириш ва тажриба саноат миқёсида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш» (2007-2011 йй.), Аб-055 «Пахта целлюлозаси, линт ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари асосида турли марқадаги КМЦ ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва саноат миқёсида ўзлаштириш» (2006-2008 йй.) амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** госсипол ва NaКМЦ асосида вирусга қарши «ЦелАгрип» препаратини синтез қилиш, унинг тузилиши, физик-кимёвий ва тиббий-биологик хоссаларини аниқлаш ҳамда, ишлаб чиқариш технологиясини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

карбоксиметилцеллюлоза диалдегидини олишда йод кислотаси билан танлаб оксидланиш учун сувда эрувчан Na-КМЦ нинг турли АД ва ПД га эга намуналарини танлаш;

NaКМЦ нинг алмашилиш даражаси ва танлаб оксидланиш даражаси ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш;

Na-КМЦ диалдегидларининг таркиби, тузилиши ва хусусиятларини тадқиқ қилиш;

Диалдегид карбоксиметилцеллюлоза билан кимёвий бириктириш орқали табиий госсиполнинг сувда эрувчан полимер хосилаларини синтез қилиш;

таркибида госсипол тутган вирусга қарши сувда эрувчан «ЦелАгрип» препаратининг полимер шаклини олиш усули ва технологиясини ишлаб чиқиш;

полимер таркибли вирусли грип ва ўткир респиратор вирус инфекциясининг (ЎРВИ) олдини олиш ва даволаш учун вирусга қарши таъсирга эга бўлган препарат шаклининг клиникага қадар ва клиник синовларини ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти** алмашилиш даражаси АД=0,61 ва 0,80, полимерланиш даражаси ПД=550 ва 750 бўлган сувда эрувчан Na-КМЦ госсиполсирка кислотаси, «ЦелАгрип» препарати ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** табиий госсипол ва Na-КМЦ асосида сувда эрувчан ҳосилаларини синтез қилиш, уларнинг тузилиши, физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, «ЦелАгрип» препарати субстанцияси ва дори шаклини яратиш ва ишлаб чиқариш технологияси шароитларини ўрганиш, сифатини назорат қилиш ва препаратни олиш технологиясини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Мазкур тадқиқотда ИҚ- ва УБ- спектроскопия, рентгеноструктуравий таҳлил, атом-куч микроскопияси (АСМ), ва бошқа аналитик ва физик-кимёвий тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор тозаланган Na-КМЦ ҳосилалари ва биологик фаол госсипол асосида вирусли грипп ва ўткир респиратор вирусли инфекцияларнинг олдини олиш ва даволаш учун юқори фаолликка эга дори воситаси олинган;

илк бор олинган дори воситаси таркибида биологик фаол госсиполнинг оптимал миқдори белгиланган ҳамда субстанциянинг физик-кимёвий ва тиббий-биологик хусусиятлари аниқланган;

илк бор вирусли грипп ва ЎРВИ нинг олдини олувчи ва даволовчи субстанция ва дори шаклини ишлаб чиқариш усули ва технологияси яратилган;

илк бор вирусли грипп ва ЎРВИ га қарши ЦелАгрип субстанцияси ва дори шаклининг тажриба ҳайвонларда вирусга қарши фаоллиги аниқланган ва клиник синовлари ўтказилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«ЦелАгрип» субстанциясини синтез қилишнинг оптимал шароитлари ва таркиби аниқланди, «ЦелАгрип» препаратини олишнинг лаборатория регламенти ва Фармакопея мақоласи ишлаб чиқилди, тиббий-биологик хоссалар аниқланди.

Вирусга қарши фаолликка эга бўлган полимер модификацияланган интерферон индуктори субстанцияси ва дори шаклини олиш технологияси ишлаб чиқилди ва тажриба партиялари олинди.

Препаратнинг дори шакли клиникага қадар ва клиник синовлардан ўтказилди ва вирусга қарши фаолликка эга бўлган интерферон индукторининг оригинал полимер модификациясини тажриба-саноат миқёсида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мақсадида меъёрий-техник ҳужжат “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш” Давлат Унитар корхонасининг Фармакопия қўмитасида да қайта рўйхатдан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Полимер таркибли дори воситаси синтези физик-кимёвий ва тиббий-биологик хоссаларини ўрганиш бўйича олиб борилган тажрибалар натижалари замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида олинди. Олинган илмий-амалий натижаларнинг ишончлилиги юқори савияли чет эл журналларида нашр этилган мақолалар, илмий натижаларининг Республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги билан тасдиқланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти госсипол полимер модификацияларининг сувда эрувчан шакллари олиш имконини берувчи

синтез қонуниятларини тадқиқ этишдан, турли алмашилиш даражасига эга бўлган Na КМЦ нинг периодат кислотаси билан, танлаб оксидланиш жараёнларини ўрганиш, КМЦ нинг алмашилиш даражаси ва оксидланиш даражаси ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш, турли таркибли сувда эрувчан полимер модификацияларни олган ҳолда ДАКМЦ нинг госсипол билан кимёвий таъсирлашуви шароитларини белгилаш, госсипол-полимер модификациялари структураси ва кимёвий хоссалар, ҳамда биологик фаоллик ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти вирусли грипп ва ЎРВИ нинг олдини олиш ва даволаш учун янги полимер шаклли дори воситасини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Вирусга қарши полимер таркибли «ЦелАгрип» препаратининг синтези, хоссалари ва технологияси мавзусидаги диссертация ишида келтирилган тадқиқотлар натижалари асосида:

“ЦелАгрип” препарати субстанциясини олиш усули учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги патенти олинган (№IAP 04811, 03.02.2010 й). Натижада «ЦелАгрип» субстанциясини олишга эришилган;

“ЦелАгрип” субстанцияси учун Фармакопея мақоласи ишлаб чиқилган ва “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш” Давлат Унитар корхонасининг Фармакопия қўмитасида рўйхатдан ўтказилган ФС 42 Уз -1554-2021 29.09.2021 й. “ЦелАгрип” субстанцияси олиш учун технологик регламент тасдиқланган. Мазкур меъёрий ҳужжатлар маҳсулотнинг сифати ва технологик жараёни назорат қилиш имконини берган.

Олинган натижалар субстанцияси ЎЗР ФА ПКФИ да ишлаб чиқариладиган препаратнинг дори шаклини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш орқали «Радикс» ХИИЧК да жорий этилган 20.01.2010 й. санасидаги 7677-сонли гувоҳнома, 29.09.2021 й. рўйхатдан ўтказилган меъёрий ҳужжати олинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация бўйича олинган натижалар 5 та халқаро ва 10 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 таси Ўзбекистон Республикаси ихтиро учун патенти, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа (PhD) докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, жумладан 2 таси Республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Мавзу бўйича хорижда олиб борилаётган тадқиқотлар ҳақида ва муаммонинг ўрганилганлик ҳолати ҳақида қисқача маълумот келтирилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ва ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган, илмий янгилиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг қўлланилиши, диссертациянинг тузилиши ва чоп этилган илмий ишлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Дори воситаларининг полимер шакллари. Вирусга қарши таъсирга эга дори воситаларининг синтези, структураси”** номли биринчи бобида вирусга қарши таъсирга эга бўлган препаратларнинг полимер шакллари, вирусга қарши фаолликка эга бўлган интерферон индукторлари, эндоген интерферон индукторларининг тиббиёт амалиётда қўлланилиши, ишлаб чиқиладиган ва тиббиётда қўлланиладиган вирусга қарши таъсирли дори препаратлари полимер шакллари ва дори воситаларининг гидролизланадиган, биопарчаланадиган полимер шакллари, шунингдек функционаллаштириш мақсадида полисахаридларни танлаб оксидланиш реакциясини амалга ошириш ҳақидаги маълумотлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг **««ЦелАгрип» препаратининг синтези ва тадқиқ қилиш усуллари»** номли иккинчи бобида дастлабки реагентлар ва моддалар ҳақида, техник КМЦ ни тозалаш усули, Н-КМЦ ни олиш ва уни диалдигидкарбоксиметилцеллюлозага (ДАКМЦ) оксидлаш усули ҳақида маълумотлар акс эттирилган. Шунингдек, ДАКМЦ ва полифенол –сирка кислота госсиполи асосида «ЦелАгрип» субстанциясини олиш ва уни таҳлил қилиш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг **«Вирусга қарши «ЦелАгрип» препарати полимер шаклининг синтези, структураси ва физик-кимёвий хоссалари»** номли учинчи бобида вирусга қарши «ЦелАгрип» препарати полимер шаклини олиш учун полимер асос танлаш бўйича тажриба тадқиқотлари натижалари келтирилган. Табиий манбадан олинган полимер асослар орасида кенг тарқалган биополимерлардан бири ҳисобланган целлюлоза хоссиллари алоҳида ўрин эгаллайди. Бирок, целлюлозанинг камчилиги унинг организмда биологик парчаланishiга мойил эмаслигидир. Шунинг учун ушбу диссертация ишида полимер асос сифатида целлюлозанинг органотроп, захарсиз бўлган ҳосиласининг биопарчаланувчан шакли - сувда эрувчан натрий КМЦ танланди.

Мазкур тадқиқотда дастлабки маҳсулот сифатида турли АД ва ПД га эга бўлган Na-КМЦ қўлланилди. Қисман этерификацияланиш жараёни динамикаси целлюлозанинг реакцион фаоллиги, надмолекулар структураси, унинг реакция давомида ўзгариши ҳақида тасаввур беради, бу реакция тури ва модданинг хоссалари ҳақида хулоса қилиш имкониятини юзага келтиради. Жадвалда Na-КМЦ намуналарининг сифат кўрсаткичлари келтирилган.

## Na-КМЦ намуналарининг сифат кўрсаткичлари

| № | Техник КМЦ |     |                      |                              |            |
|---|------------|-----|----------------------|------------------------------|------------|
|   | АД         | ПД  | Асосий модда миқдори | 1 % ли эритманинг рН қиймати | Эрувчанлик |
| 1 | 0,61       | 750 | 49,6                 | 10,8                         | 98,2       |
| 2 | 0,52       | 560 | 50,2                 | 11,2                         | 91,4       |
| 3 | 0,68       | 870 | 52,1                 | 10,4                         | 96,0       |
| 4 | 0,98       | 570 | 53,0                 | 9,7                          | 95,8       |
| 5 | 1,14       | 480 | 57,0                 | 9,8                          | 97,5       |
| 6 | 0,77       | 350 | 77,0                 | 8,7                          | 97,5       |
| 7 | 0,80       | 550 | 55,7                 | 10,5                         | 100,0      |

Жадвалдан тозаланган Na-КМЦ нинг икки маркаси русуми танлаб олинди ва уларнинг сифат кўрсаткичлари ўрганилди. Танлаб олинган турли алмашилиш даражаси (АД) 0,61 ва 0,80 ва полимерланиш даражасига (ПД) 750 ва 550 эга бўлган Na-КМЦ маркалари периодат оксидланиш ва дори воситалари полимер шаклини олишда фойдаланилди.

Тозаланган КМЦ олиш имконияти аниқланди. Na-КМЦ ни тозалаш жараёни самарадорлигини ошириш мақсадида у минерал кислоталарнинг сувли эритмалари ёрдамида ишлов бериш орқали Н-КМЦ шаклга ўтказилди. КМЦ макромолекулаларини функционаллаштириш учун КМЦ макромолекуласи ангидроглюкоз бирликлари эркин гликол гуруҳларининг йод кислотаси билан танлаб оксидланиши усули танланди.

Эркин гликол гуруҳларининг йод кислотаси билан периодат оксидланиши учун Na КМЦ нинг сувли эритмаларида гомоген шароитларда оксидланиши жараёнини ўрганилди. Бироқ, мазкур усул кўп меҳнатни талаб қилади, унда кўп миқдорда диалдегид чўктирувчиси - ацетон қўлланилади, маҳсулот унути чўктирувчининг сув-органик чўктирувчи аралашмасида диалдегиднинг куйимолекуляр фракцияларининг қисман эриши туфайли камаяди.

Эритмада Na-КМЦ нинг йод кислотаси билан танлаб оксидланиши бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Na-КМЦ нинг 2% ли сувли эритмаларида оксидланиш, алмашилиш ва полимерланиш даражаларининг ўзгариши 2-жадвалда келтирилган.

**Гомоген шароитда танлаб оксидланишда Na-КМЦ нинг 2% ли сувли эритмаларида оксидланиш, алмашиниш ва полимерланиш даражаларининг ўзгариши**

(Na-КМЦ сувли эритмаларининг концентрацияси – 2 масс%, йод кислотаси эритмаси концентрацияси - 0,1М; ҳарорат –  $25 \pm 1^\circ\text{C}$ , оксидланиш вақти – 4 соат)

| № | Дастлабки Na-КМЦ |     | Периодат-оксидланган Na-КМЦ |     | Оксидланиш даражаси Na-КМЦ |                                       | Периодат иони сарфи бўйича оксидланиш даражаси |
|---|------------------|-----|-----------------------------|-----|----------------------------|---------------------------------------|--|
|   | С3               | СП  | С3                          | СП  | Йодомеритрик титрлаш       | Гидроксилламин билан реакция бўйича с |  |
| 1 | 0,50             | 700 | 0,54                        | 450 | 0,30                       | 0,31                                  | 0,41   |
| 2 | 0,50             | 700 | 0,56                        | 220 | 0,41                       | 0,39                                  | 0,39   |
| 3 | 0,61             | 750 | 0,60                        | 420 | 0,38                       | 0,38                                  | 0,34   |
| 4 | 0,61             | 750 | 0,61                        | 430 | 0,37                       | 0,37                                  | 0,35   |
| 5 | 0,75             | 680 | 0,78                        | 530 | 0,25                       | 0,27                                  | 0,29   |
| 6 | 0,75             | 250 | 0,76                        | 190 | 0,27                       | 0,29                                  | 0,27   |
| 7 | 0,80             | 550 | 0,89                        | 580 | 0,33                       | 0,18                                  | 0,20   |
| 8 | 0,80             | 550 | 0,87                        | 180 | 0,32                       | 0,19                                  | 0,21   |

2-жадвалдан кўришиб турибдики, Na-КМЦ нинг АД ортиши билан оксидланиш даражасининг камайиши кузатилади, бу Na-КМЦ глюкопираноз ҳалқаларидаги С<sub>2</sub> и С<sub>3</sub> ўринларда эркин гликол гуруҳлари микдорининг камайиши билан изоҳланади. Молекуляр массанинг камайишига сабаб бўлувчи макромолекулалар гидролизи Na-КМЦ оксидланиш жараёнида борадиган ёнаки реакциядир. макромолекулалар гидролизи билан биргаликда яна бир ёнаки реакция - шаклланаётган альдегид гуруҳларнинг карбоксил гуруҳларга қадар оксидланиши ҳисобланиб, бу оксидланган Na-КМЦ намуналарида АД қийматларининг камайиши билан тасдиқланади.

Маълумки, целлюлозанинг оддий эфири-Na-карбоксиметилцеллюлозанинг периодат оксидланишида С<sub>2</sub> - С<sub>3</sub> ҳолатда жойлашган эркин гликол гуруҳлардаги алмашинмаган глюкопираноз ҳалқаларнинг танлаб узилиши ҳисобига диалдегид ҳосилалар юзага келади. Периодат оксидланган Na – КМЦ диалдегид функционал гуруҳларнинг мавжудлиги уларни юқори ҳароратда (80-100 °С) қуритиш жараёнида яримацетал ва ацетал боғлар ҳосил бўлган ҳолда ички ва молекулалараро кимёвий ўзгаришларнинг амалга ошишига олиб келади. Н-КМЦ ни йод кислотаси эритмаси билан оксидлаганда унинг алмашиниш даражаси ва оксидланиш даражасига боғлиқ равишда таркибида 23 дан 38 моль% гача альдегид гуруҳлари тугган ДАКМЦ намуналари олинди.

**Гетероген шароитларда дастлабки Н-КМЦ нинг ПД ва АД га боғлиқ  
равишда оксидланиш даражасининг ўзгариши**


| № | Н-КМЦ |     | Йод<br>кислотаси<br>концентра-<br>цияси, % | Оксидланиш<br>вакти, соат | ДАКМЦ                             |                          |
|---|-------|-----|--|---------------------------|-----------------------------------|--------------------------|
|   | АД    | ПД  |  |                           | Оксидланиш<br>даражаси,<br>мол, % | Полимерланиш<br>даражаси |
| 1 | 0,61  | 750 | 5  | 24                        | 38                                | 76                       |
| 2 | 0,61  | 750 | 10   | 12                        | 30                                | 58                       |
| 3 | 0,80  | 550 | 5  | 22                        | 23                                | 41                       |
| 4 | 0,80  | 550 | 10   | 12                        | 19                                | 37                       |

3-жадвалдан кўришиб турибдики, Н-КМЦ нинг оксидланиш даражаси периодат кислотаси концентрацияси ва оксидланиш вақтига боғлиқ. Бунда оксидланиш деструкцияси ҳисобига дастлабки Н-КМЦ нинг полимерланиш даражаси камайиши кузатилади. Н-КМЦ нинг 38 ва 23 моль% ни ташкил этувчи оксидланиш даражаси қийматлари дастлабки Н-КМЦ нинг барча эркин гликол гуруҳлари учун чегаравий қиймат ҳисобланади.

Н-КМЦ нинг танлаб оксидланиш жараёни ҳўл ҳолатда концентрацияси 0,1 М бўлган периодат кислотаси иштирокида 1:10 модулда,  $25\pm 1^\circ\text{C}$  ҳароратда, 24-48 соат давомида олиб борилди.

Н-КМЦ нинг псевдогомоген оксидланиши технологик жиҳатдан анча қулай. Оксидланиш маҳсулоти сувда эримайди ҳамда чўктирувчи қўллаш талаб қилинмайди. Оксидланиш жараёнининг ягона камчилиги бу жараённинг узок вақт давом этишидир. Шу сабабли тажрибаларда объект сифатида перйодат оксидланиш объекти сифатида таркибида 48-52% асосий модда тутган қиммат бўлмаган техник русумдаги Na-КМЦ асосида олинган турли АД ва ПД га эга бўлган Н-КМЦ намуналари қўлланилди. Н-КМЦ ни олиш учун техник русумдаги Na-КМЦ га  $40\pm 2^\circ\text{C}$  ҳароратда 1:10 модулдаги 20% сульфат кислотаси иштирокида 4 соат давомида ишлов берилди. Олинган Н-КМЦ сув билан қўшимча тузлардан ҳамда сульфат кислотаси қодиғидан ювилди.

Н-КМЦ нинг ҳўл ҳолатда перйодат оксидланиши зарурати унинг қуриши жараёнида ўз-ўзидан тикилиш реакцияси кетиши мумкинлиги билан изоҳланиб, бунда қуйидаги тенглама бўйича молекулалараро мураккаб эфир боғлари ҳосил бўлади (1-расм).



**1-расм. Н-КМЦ нинг  
чокланган  
структураси**

Шу сабабли кейинги тадқиотлар Н-КМЦ нинг перйодат оксидланиши бўйича олиб борилган тадқиқотлар гетероган шароитларда олиб борилди, тадқиқотлар натижалари 4-жадвалда келтирилган.


**4-жадвал  
Гетероген шароитда танлаб оксидланишда Н-КМЦ нинг 2% ли  
суспензияда оксидланиш, алмашиниш ва полимерланиш даражаларининг  
ўзгариши**

| № | Дастлабки Н-КМЦ |     | Периодат-оксидланган Н-КМЦ |     | Н-КМЦ оксидланиш даражаси |                                      | Перйодат ион сарфи бўйича оксидланиш даражаси |
|---|-----------------|-----|----------------------------|-----|---------------------------|--------------------------------------|---|
|   | АД              | ПД  | АД                         | ПД  | Йодометрик титрлаш        | Гидроксил-ламин билан реакция бўйича |   |
| 1 | 0,50            | 750 | 0,50                       | 290 | 0,35                      | 0,34                                 | 0,38  |
| 2 | 0,50            | 270 | 0,51                       | 160 | 0,39                      | 0,38                                 | 0,36  |
| 3 | 0,61            | 750 | 0,65                       | 300 | 0,38                      | 0,36                                 | 0,36  |
| 4 | 0,61            | 750 | 0,65                       | 130 | 0,38                      | 0,37                                 | 0,35  |
| 5 | 0,75            | 680 | 0,75                       | 280 | 0,13                      | 0,22                                 | 0,24  |
| 6 | 0,75            | 250 | 0,76                       | 140 | 0,15                      | 0,24                                 | 0,26  |
| 7 | 0,80            | 550 | 0,85                       | 220 | 0,23                      | 0,22                                 | 0,24  |
| 8 | 0,80            | 550 | 0,86                       | 110 | 0,23                      | 0,21                                 | 0,24  |

Модуль Н-КМЦ:периодат кислотаси эритмаси (0,1 М) 1:10, ҳарорат  $25 \pm 1^\circ\text{C}$ , оксидланиш вақти –72 соат.


4-жадвалдан кўриниб турибдики, Н-КМЦ нинг гетероген оксидланишида унинг АД ва ПД деярли ўзгармайди. Бунда Н-КМЦ глюкопираноз ҳалқаларидаги С<sub>2</sub> ва С<sub>3</sub> гликол гуруҳлари оксидланиш даражаси қийматлари гомоген шароитда оксидланган Na-КМЦ га нисбатан кичик.

Н-КМЦ намуналарини ишқор эритмаси билан потенциоиметрик титрлаш ва эквивалентлик нуқтасини аниқлашда Na-КМЦ нинг буфер сиғимини ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади. Шу сабабли АД=0,80, ПД= 550 бўлган Н-КМЦ намуналарини потенциометрик титрлаш 0.05 М NaOH эритмаси билан амалга оширилади ва олинган натижа 2-расмда келтирилди.



**2-расм. Эквивалентлик нуқтасини аниқлаш учун Н-КМЦ иштирокидаги потенциометрик титрлаш эгриси АД=0.80, ПД= 550**


Дастлабки ДАКМЦ нинг 3-расмда келтирилган ИҚ-спектрида 1640 см<sup>-1</sup> соҳада альдегид гуруҳи валент тебранишларига хос ютилиш чизиқлари мавжуд, бироқ, ушбу кучсиз тебраниш чизиқлари ёрдамида полимердаги алдегид гуруҳларини миқдори аниқлаш имконияти чегараланган, чунки у 1610 см<sup>-1</sup> соҳадаги Na-КМЦ га хос ютилиш чизиғи билан қўшилиб кетади.



3-расм. ИҚ спектрлар:1. ДАКМЦ 2. ДА Н-КМЦ

Спектрларини таҳлил қилиш натижасида ДАКМЦ ва ДАНКМЦ  $1610\text{ см}^{-1}$  ва  $1740\text{ см}^{-1}$  соҳада  $-\text{COO}^-$  ва  $-\text{COOH}$  гуруҳларга хос бўлган ютилиш чизиқлари ҳосил бўлгани аниқланди.

Маълумки, КМЦ нинг танлаб оксидланишида  $\text{C}_2$  и  $\text{C}_3$  ҳолатдаги эркин гликол гуруҳлари тутган элементар бўғинларнинг глюкопираноз ҳалқалари қуйидаги схема бўйича иккита альдегид гуруҳлар ҳосил қилган ҳолда узилади:



I КМЦ ҳалқаси

II ДАКМЦ


III ДАКМЦ Гемдиол

Ҳосил бўлган КМЦ диалдегид ҳалқаси сувли муҳитда ўз структураларидан бири бўлган III гемдиол структурага ўтади, ДАКМЦ  $\leftrightarrow$  гемидиол мувозанат бутунлай ўннга силжийди, бу ДАКМЦ ИҚ-спектрларида карбонил гуруҳларга хос ютилиш чизиқларининг мавжуд эмаслиги билан ҳам тасдиқланди.

4-расмда дастлабки ДАКМЦ ва ЦелАгрипнинг тебраниш спектрлари келтирилган. ИҚ-Фурье спектроскопия усули турли функционал имкониятлари ва турли намуналарни аниқ фарклашга ёрдам беради.

ДАКМЦ инг ИҚ-спектрларида  $3400\text{-}3000$ ,  $2918$ ,  $2879$ ,  $1637$ ,  $1432$ ,  $1377$ ,  $1243$ ,  $1119$ ,  $1062$  ва  $895\text{ см}^{-1}$  соҳаларда КМЦ ютилиш чизиқларига хос бўлган

сохалар кузатилди, бироқ, бунда мазкур чўқкиларга қўшимча равишда 1739 см<sup>-1</sup> соҳада бу ҳалқанинг узилишида юзага келадиган С=О альдегид гуруҳга хос бўлган чўққи ҳам кузатилди.




4-расм. ИҚ-Фурье спектрлар 1-ДАКМЦ, 2-ЦелАгрип

ЦелАгрипнинг ИҚ спектрларида 1604 см<sup>-1</sup> соҳада госсипол альдегид гуруҳи карбонили ва полимер-ташувчининг ютилиш чизиқлари йиғиндисини тавсифловчи интенсив ютилиш чизиғи кузатилди, бу ютилиш чизиғи асосида госсиполни миқдорини аниқлаш мумкин эмас. Циклнинг деформацион тебранишларига хос бўлган 1441 см<sup>-1</sup> и 1326 см<sup>-1</sup> соҳадаги ютилиш чизиқларига кўра, госсиполнинг ДАКМЦ билан бирикмасидаги ички- ва молекулалар аро боғларнинг мавжудлиги ҳақида ҳулоса қилиш ва миқдорий баҳолаш мумкин.

Альдегид гуруҳлари ИҚ- ютилиш чизиқларига кўра бир томондан яримацетал ва ацетал боғларнинг ҳосил бўлиши билан ички ва молекулалараро ўзаро таъсирларни, бошқа томондан, эркин алдегид гуруҳларнинг гемдиолларгача гидратацияланишини тушунтириш мумкин. Бироқ яримацетал, ацетал гемдиол структуралар дастлабки альдегид и гидроксил функционал гуруҳлар билан динамик мувоанатда эканлиги эътиборга олинса, бу структураларнинг кучлироқ нуклеофилликка эга бўлган реагентлар билан ўзаро таъсири натижасида мувозанат яримацетал и ацетал табиатли янги структураларнинг шаклланиши томон силжийди.

ЦелАгрипнинг УВ спектрларида, спектрофотометр ёрдамида 220 нм дан 700 нм гача соҳаларда препаратнинг концентрация жиҳатидан тенг бўлган кислотали эритмасига нисбатан олинган қалинлиги 10 мм бўлган кюветадаги ишқорий эритмаси спектрида субстанция структурасини тавсифловчи (245±5) нм, (290±5) нм, (372±5) нм да ютилиш максимуми ва (225±5) нм, (260±5) нм ва (320±5) нмда ютилиш минимуми кузатилади.



ЦелАгрип субстанцияси ҳосил бўлиши УФ спектордаги юқорида қайд этилган  $\text{min}$  ва  $\text{max}$  асосида тасдиқланди

### 5-расм. Ютилиш УВ спектрлари: 1- $\text{NaKMnO}_4$ ва 2-ЦелАгрип


«ЦелАгрип» субстанциясининг тиббий биологик синовлари натижаларига кўра вирусга қарши фаоллик, ўткир ва сурункали токсиклик, мутогенлик, тератогенлик, аллергенлик ва бошқа тиббий -биологик хоссаларига кўра «ЦелАгрип» субстанциясини дори шаклини ишлаб чиқариш ва амалиётда қўллаш мумкинлиги аниқланди

Госсипол токсиклигини камайтириш ва йўналишли таъсир муддатни узайтириш имконини берувчи полимер шаклдаги ҳосилаларини синтез қилишнинг умумий технологияси ишлаб чиқилди ва кенг доирадаги вирусларга қарши фаолликка эга бўлган полимер асосли оригинал интерферон индуктори яратилди. Препарат интерферонни индуцирлаши ва қон айланиш тизимида терапевтик концентрацияда бир hafta мобайнида мавжудлиги кўрсатилди. «ЦелАгрип» ўткир токсикликка эга эмас ва организмда кумуляцияга учрамайди. Препаратнинг таблетка кўринишидаги дори шакли ишлаб чиқилди. Препаратнинг тиббий-биологик, клиникага қадар ва клиник синовлари ўтказилди.

ЦелАгрип препаратининг клиник тадқиқотлари ТТА аллергологияли ВОП терапияси кафедраси профессорлари Абдуллаев С.Ф. ва Бердыев У.Г. раҳбарликларида олиб борилди.

Илк бор госсиполнинг кам токсикли ва вирусга қарши фаолликка эга бўлган сувда эрувчан полимер модификациясини олиш имкониятлари тадқиқ этилди.


Полимер-ташувчи сифатида сувда эрувчан NaKMЦ, вирусга қарши фаолликка эга бўлган полифенол – госсипол –интерферон индуктори танлаб олинди.



Расм-6. ЦелАгрип субстанцияси структураси

KMЦ диалдегиди ва госсиполни кимёвий бириктириш орқали таркибида 3-5моль % боғланган госсипол тутган сополимернинг натрийли тузи : ((1→4)-6-O-карбоксиметил-β-D-глюкоза, (1→4)- β-D-глюкоза ва (21→24)-2,3,14,15,21,24,29,32-октагидрокси-23-(карбоксиметил)-7,10-диметил-4,13-ди(2-пропил)-19,22,26,30,31 - пентаоксагептацикло /23,3,2,2/ дотриаконт - 1,3,5(28),6,8(27),9(18),10,12(17),13,15-декаен), олинди

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра таркибида 3-5моль % боғланган госсипол тутган вирусга қарши сувда эрувчан «ЦелАгрип» препаратининг полимер шаклини олиш технологияси ва зарурий меъёрий-техник хужжатлар тўплами ишлаб чиқилди. Вирусга қарши препаратнинг полимер шаклини олиш бўйича ишлаб чиқилган усул ва технология ЎзР паенти билан ҳимояланган.



1. Сув учун ҳажм 2. Na KMnO<sub>4</sub> эритмаси 3. H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> эритмаси 4. H-KMnO<sub>4</sub> ни олиш реактори 5. Элак ёрдамида филтрлаш 6. HNO<sub>4</sub> эритмаси 7. DAKMnO<sub>4</sub> ни олиш реактори 8. Элак ёрдамида филтрлаш 9. Ацетон 10. ГСК эритмаси 11. DAKMnO<sub>4</sub> ни ГСК эритмасида диспергациялаш учун ролл 12. NaOH эритмаси 13. ЦелАгрип эритмасини олиш учун реактор 14. Элак ёрдамида филтрлаш 15. Ацетон 16. Шарли тегирмон 17. Куригич 18. Тайёр маҳсулот

**7-расм. «ЦелАгрип» субстанциясини олишнинг технологик схемаси**

«ЦелАгрип» препарата субстанциясини олиш жараёни куйидаги босқичлардан иборат: Хомашё ва материалларни тайёрлаш, НКМnO<sub>4</sub>-NaKMnO<sub>4</sub> ни олиш ва тозалаш, НКМnO<sub>4</sub> ни оксидлаш, ГУК билан DAKMnO<sub>4</sub> ни бириктириш, филтрлаш ва куриштиш, кадоқлаш, тамғалаш

Тадқиқотлар натижалари асосида фармакопоя мақоласи, «ЦелАгрип» препаратининг субстанцияси ва дори шаклини ишлаб чиқариш бўйича технологик регламентлар ва «ЦелАгрип» препаратини қўллаш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилган, келишилган ва тасдиқланган. «ЦелАгрип» препаратининг дори шакли «Радикс» ХИИЧК да ишлаб чиқарилган.

## ХУЛОСА

«Полимер асосли вирусга қарши «ЦелАгрип» препаратининг синтези, хоссалари ва технологияси» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Танлаб оксидланиш жараёнида қўлланиладиган сувда эрувчан Na-КМЦ намуналари танланиб, карбоксиметилцеллюлоза диалдегиди олинди ва унинг асосида вирусли грипп ва ўткир респираторли ва вирус инфекцияларини (ЎРВИ) олдини олиш ва даволаш учун вирусга қарши ЦелАгрип препаратининг полимер шакли яратилди.

2. Оксидланиш маҳсулотларининг тузилиши ва физик-кимёвий хусусиятларини белгиловчи ҳамда якуний маҳсулотнинг тиббий-биологик синовлари натижаларига таъсир кўрсатадиган биологик фаол компонентнинг миқдорини белгиловчи Na-карбоксиметилцеллюлозанинг алмашилиш ва полимерланиш даражаси ва танлаб оксидланиш даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ўрганилди.

3. Na- карбоксиметилцеллюлоза диалдегидларининг таркиби, тузилиши ва хоссалари замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида ўрганилди, ҳамда Na-КМЦ нинг токсикликнинг нисбатан кичик қийматларида терапевтик фаолликнинг юқори кўрсаткичларига эга бўлган полимер шаклли вирусга қарши препаратларни олиш имкониятини берувчи алмашилиш даражаси, полимерланиш даражаси ва периодат оксидланиш қийматлари аниқланди.

4. Биринчи марта диалдегидкарбоксиметилцеллюлоза билан кимёвий бириктириш орқали сувда эримайдиган табиий госсиполнинг сувда эрувчан полимер ҳосилаларини олиш имконияти кўрсатилди, мазкур жараёнда госсипол ва диалдегидкарбоксиметилцеллюлоза ўртасида ковалент ацетал боғ шаклланади. ИҚ- ва УБ- спектроскопия усуллари ёрдамида госсипол ва диалдегидкарбоксиметилцеллюлоза ўртасида ковалент ацетал боғ ҳосил бўлиши тасдиқланди.

5. Таркибида 3-5 моль% миқдорида боғланган госсипол тутган вирусга қарши сувда эрувчан «ЦелАгрип» препаратининг полимер шаклини ишлаб чиқариш технологияси ва зарурий меъёрий-техник ҳужжатлар тўплами ишлаб чиқилди. Яратилган вирусга қарши препаратнинг полимер шаклини ишлаб чиқариш усули ва технологияси ЎзР патенти билан ҳимояланган.

6. Полимер шаклли вирусга қарши препаратнинг клиник ва клиникагача бўлган синовлари олиб борилди ва олиб борилган тиббий-биологик синовлар натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш” давлат маркази томонидан вирусга қарши «ЦелАгрип» препаратнинг полимер шаклини sanoat миқёсида ишлаб чиқаришга ва уни амалий тиббиётда вирусли грипп ва ЎРВИ ни олдини олиш ва даволашда вирусга қарши препарат сифатида қўллашга рухсат этилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02.30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ**

---

**ИНСТИТУТ ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ**

**АЗИЗОВА МАЛИКА АСКАРОВНА**

**СИНТЕЗ, СВОЙСТВА И ТЕХНОЛОГИЯ ПРОИЗВОДСТВА  
ПРОТИВОВИРУСНОГО ПРЕПАРАТА «ЦЕЛАГРИП» НА  
ПОЛИМЕРНОЙ ОСНОВЕ**

**02.00.05 – Химия и технология целлюлозы и целлюлозно-бумажного  
производства**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.2.PhD/K121.**

Диссертация выполнена в Институте химии и физики полимеров.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (polchemphys.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:**

**Саримсаков Абдушкур Абдухалилович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Кудышкин Валентин Олегович**  
доктор химических наук, профессор

**Акмалова Гузал Юсуфовна**  
кандидат химических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Наманганский Государственный  
Университет**

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc. 02/30.12.2019.K/FM/T.36.01 при Институте химии и физики полимеров по адресу: 100128, г. Ташкент, ул. Абдулла Кадыри, 76. Тел. (99871) 241-85-94; факс: (99871) 241-26-61, e-mail: [polymer@academy.uz](mailto:polymer@academy.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии и физики полимеров за № \_\_\_\_ (Адрес: 100128, г. Ташкент, ул. Абдулла Кадыри 76, Тел. (99871) 241-85- 94)

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 года.

(протокол рассылки № \_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2022 года).

**С.Ш.Рашидова**

Председатель разового Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.х.н., профессор, академик

**М.М.Усманова**

Учёный секретарь разового Научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
к.х.н., старший научный сотрудник

**Н.Р.Вохидова**

Заместитель председателя разового Научного  
семинара при Научном совете по  
присуждению учёных степеней,  
д.х.н., старший научный сотрудник

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире увеличивается потребность на биологически активные, преимущественно водорастворимые полимерные формы лекарственных средств. В данном направлении большое значение имеет создание способов синтеза, разработка технологии получения и внедрение в практику противовирусных лекарственных средств нового поколения на основе природных полимеров, в частности производных целлюлозы и госсипола.

В настоящее время в мире проводятся фундаментальные и прикладные исследования, посвященные синтезу противовирусных препаратов посредством регулирования факторов, влияющих на условия реакции с учетом молекулярных и физико-химических свойств природных полимеров (целлюлозы, хитина, хитозана и их производных) и биологически активных веществ. В связи с этим, синтез полимерных форм новых, биологически активных, водорастворимых лекарственных средств на основе производных целлюлозы и полифенолов, исследование их структурных, физико-химических и медико-биологических свойств, является актуальной задачей.

В Республике в направлении получения новых лекарственных средств на основе местного сырья ведутся широкомасштабные работы по организации научных исследований на высоком уровне а также развитие отечественной фармацевтической отрасли, которые позволяет достигнуть важные результаты в создании новых полимерных форм лекарственных средств. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>3</sup>, Концепции развития науки до 2030 года<sup>4</sup> намечены задачи по «...повышению производства фармацевтической продукции...». В связи с этим, являются актуальными исследования, направленные на получение водорастворимых полимерных производных на основе карбоксиметилцеллюлозы и госсипола, выявление закономерностей данного процесса и путей управления процессом синтеза, а также создание лекарственных препаративных форм индуктора интерферона, на их основе.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, поставленных Постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-3532 от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли», №ПП-4554 от 30 декабря 2019 года «О дополнительных мерах по углублению реформ в фармацевтической отрасли Республики Узбекистан» и Указом Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

---

<sup>3</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

<sup>4</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-6097 от 29 октября 2020 года « Об утверждении Концепции развития науки до 2030 года».

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в Республики Узбекистан по разделам: VI.«Медицина и фармакология» и VII.«Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** Во многих странах мира проводятся исследования, направленные на создание полимерных форм новых, эффективных препаратов, обладающих противовирусным противовоспалительным и гепатозащитным действием. В данном направлении Gen Lin Zhang, Metodiev Z.A., Voruvkova K., Zeenat M.A., Lisa J. Mauер и ряд других школ внесли существенный вклад. В том числе, в области исследования закономерностей формирования полимерных лекарственных средств существенный вклад внесли ученые из стран СНГ - М.И. Штильман, А.В. Подкорытова, С.В. Немцев, В.Н. Кряжев, Г.А. Петропавловский, М.В. Прокофьева, Л.С. Гальбрайт, В.Г. Нестеренко, А.П. А.А. Долгова, И.С. Круппа.

Анализ немногочисленных наблюдений использования индукторов дают основания предполагать, что спектр их профилактической и лечебной эффективности близок, если не аналогичен, активности интерферона. Теоретически использование индукторов должно превосходить или, по крайней мере, не уступать введению готовых препаратов интерферона. Это предоставляет перспективу создания нового поколения нетоксичных лекарственных средств с противовирусными свойствами без побочных действий, направленные на лечение гриппа и острых вирусных респираторных заболеваний посредством формирования в составе биоразлагаемого, водорастворимого полимера природных индукторов интерферона.

